

2020

QUESTIONS OF RELIGION AND SOCIETY IN THE WORKS OF IBN KHALDUN

Lazizakhon Abbasovna Alidjanova

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, l.alidjanova@iiu.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu>



Part of the [Classical Literature and Philology Commons](#), [Islamic Studies Commons](#), [Medieval Studies Commons](#), [Philosophy of Science Commons](#), and the [Religious Thought, Theology and Philosophy of Religion Commons](#)

Recommended Citation

Alidjanova, Lazizakhon Abbasovna (2020) "QUESTIONS OF RELIGION AND SOCIETY IN THE WORKS OF IBN KHALDUN," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 5.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss1/5>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Lazizakhon ALIDJANOVA,
 INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
 UZBEKISTAN,
 Trainee-teacher of “UNESCO Chair on Religious
 Studies and the
 Comparative Study of World Religions”
 lazizaxontiu@mail.ru

ИБН ХАЛДУН АСАРЛАРИДА ДИН ВА ЖАМИЯТ МАСАЛАСИ

ВОПРОСЫ РЕЛИГИИ И ОБЩЕСТВА В ТРУДАХ ИБН ХАЛДУНА

QUESTIONS OF RELIGION AND SOCIETY IN THE WORKS OF IBN KHALDUN

Калим сўзлар: Ибн Халдун, дин, ақида, диний илм, дунёвий илм, дунёқараш, тасниф.

Ключевые слова: Ибн Халдун, религия, вероучение, религиозная наука, светская наука, мировоззрение, классификация.

Key words: Ibn Khaldun, religion, aqeedah, religious science, secular science, worldview, classification.

Юртимизда маданий мерос, ўтмиш алломалар ижодини ўрганиш, миллий ва диний қадриятларни тиклашга юксак эътибор берилмоқда. Айниқса, ислом дини қадриятлари ва тарихини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш учун қулай имкониятлар яратилди. Жумладан, ислом оламида ўз ўрнига эга бўлган буюк алломаларимиз билан биргаликда бошқа юрт олимларининг ҳаёти ва қолдирган бебаҳо маънавий меросини илмий асосда тадқиқ қилиш имконияти туғилди. Зеро, муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, авваламбор, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб келмоқда [Каримов И. 2008].

Бугунги кун социологияси, фалсафаси ва ҳаттоки, иқтисод назарияларининг асосида Ибн Халдуннинг илмий қарашлари асосий ўринни эгаллайди. Илм, фанларни классификация қилишда Ибн Халдун учта асосий йўналишни ишлаб чиқиб, уларни диний илмлар, баҳс-мунозарали илмлар, табiiй-ақлий илмларга ажратади [Абдурахмон ибн

Ибн Халдун диний ва дунёвий илмлар уйғунликда ёритилган ноёб асарлар яратган улғ олимлар сирасига киради. Унинг тўлиқ исми – Абдурахмон Абу Зайд ибн Муҳаммад Ибн Халдун (туғ. 1332, Тунис/ваф. 1406, Қохира) — араб тарихчиси ва файласуфи. Ибн Рушднинг издоши ҳисобланиб, 1349-1375 йилларда Тунис, Фес, Гарнота, Бужжойа (Жазоирда) ҳукмдорлари саройида юқори лавозимларда ишлаган. 1382 йил Мисрга келиб, мударрислик қилган. Ибн Халдун Дамашқ шахрининг Амир Темурга топширилиши шартлари ҳақида музокара олиб борган делегация таркибига кирган. Шу тариқа Ибн Халдун Амир Темур билан шахсан суҳбатлашишга мушарраф бўлган. Ибн Халдуннинг далолат беришича, Амир Темур ундан Мағриб мамлакатлари, унинг манзиллари ва шаҳарларини батафсил баён қилиб беришни сўраган. Ибн Халдун Амир Темур ташки сиёсий фаолиятига нисбатан шахсий қарашидан қатъи назар, Соҳибқирон шахсига муносиб баҳо берган. У Амир Темурнинг ҳарбий тарих соҳасидаги теран билимидан ҳайратга тушган, уни «мунозара-бахсларни яхши кўрадиган ўткир заковатли ва теран зехнли инсон», – деб таърифлаган. Унинг асосий асари: «Китоб ул-ибар» («Ибратли мисоллар китоби», 1370) бўлиб, Ибн Халдун жамият тараққиёти хусусида ўз фикрларини ҳамда Шарқ мусулмон халқлари (хусусан, Мағриб) тарихини баён қилган.

Ибн Халдуннинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашларини ўрганиш, ҳозирги замон тарих фалсафасида муҳим аҳамиятга эга. Мақола учун Ибн Халдун диний-маърифий фалсафасининг асосий жабҳаларини тавсифлаш, унинг тарих, жамият, давлат, бошқарув, ҳокимият, дин ва бошқаларга нисбатан ёндашувларини ҳамда уларнинг диний тажрибалар билан боғлиқликларини аниқлашга қаратилган дунёқарашларини ойдинлаштириш ҳамда олимнинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашларига диний фаолият доирасида қараш кабилар мақсад қилиб қўйилди. Унда Ибн Халдун фаолиятидаги диний-фалсафий ва ижтимоий-сиёсий жабҳаларни намоён этиш ва шу тавсифдаги муаммолар кўриб чиқилиб, таҳлил қилинган.

Ибн Халдун входит в ряд великих ученых, которые изучали и создавали произведения о религиозной науке в гармонии со светской наукой. Его полное имя - Абдурахман Абу Зайд ибн Мухаммад Ибн Халдун (род. 1332, Тунис/умер. 1406, Каир) — арабский историк и философ. Он считается последователем Ибн Рушда, в 1349-1375 годах служил на высоких постах при правителях Туниса, Фес, Гарнота, Буджжойа (Харам). В 1382 году прибыл в Египет и стал преподавать в медресе. Ибн Халдун входил в состав делегации, проводившей переговоры об условиях сдачи города Дамаска Амиру Темуру. По этому поводу он удостоился чести личной беседы с Амиром Темуром. Как передаёт Ибн Халдун, Амиру Темуру потребовал от него полную информацию о странах Магриба, об их расположении и их городах. Абстрагируясь от личного отношения к внешней политической деятельности Амира Темура, Ибн Халдун даёт достойную объективную оценку личности Темура. Он был удивлён глубокими познаниями Амира Темура в военной истории, характеризовал его «остроумным, любящим споры, глубокомысленным человеком». Основное произведение: «Китоб ул-ибар» («Книга о поучительных примерах», 1370). В этой книге Ибн Халдун изложил свои мысли о развитии общества и историю мусульманских народов (в частности Магриба).

Изучение социально-политических и философских учений Ибн Халдуна считается очень важным и очень нужным звеном в развитии современной исторической философии. Целью статьи является характеристика основных направлений религиозно-просветительской философии Ибн Халдуна, его отношение к истории, обществу, государству, управлению, правительству, также освещение их взаимосвязи с религиозной практикой. Для этого поставлена задача изучить и характеризовать деятельность Ибн Халдуна в отношении решения религиозно-философских и социально-политических, религиозно просветительских проблем.

Ibn Khaldun is one of the prominent scholars, studied and created works on religious science in harmony with secular science. His full name - Abdurahman Abu Zayd ibn Muhammad ibn Khaldun (b. 1332, Tunisia / died. 1406, Cairo) – Arab historian and philosopher. He is considered as a follower of Ibn Rushd, in 1349-1375 he served in high posts under the rulers of Tunis, Fes, Garnot, Bujojya (Chorus). In 1382 he arrived in Egypt and began to work as a teacher at the local madrasah. Ibn Khaldun was part of the delegation negotiating the conditions for the surrender of the city of Damascus to Amir Temur. On this occasion, he succeeded in honoring a personal conversation with Amir Temur. According to Ibn Khaldun, Amir Temur asked about the Maghreb countries, their location and their cities. Regardless of the personal attitude to the foreign political activity of Amir Temur, Ibn Khaldun gives a decent objective assessment of the personality of Temur. He was surprised by Amir Temur’s deep knowledge of military history, characterized him as a “witty, loving, argumentative person”. In his main work “Kitob ul-Ibar” (“Book of good examples”, 1370), he outlined his thoughts on the development of society and the history of Muslim nations (in particular the Maghreb).

The study of the socio-political and philosophical views of prominent scholar Ibn Khaldun is of great importance in modern philosophy of history. The purpose of the article is to characterize the main directions of the religious educational philosophy of Ibn Khaldun, his attitude to history, society, the state, government, as well as the sanctification of their relationship with religious practice. The innovative component of the article lies in an in-depth study of the main aspects of Ibn Khaldun’s religious and educational philosophy views in terms of solving religious-philosophical and socio-political, religiously enlightening issues.

Халдун Б. 305-337]. Ибн Халдунни тарихий-фалсафий асарлари: “Қатта тарих” тракти ёки “Ибратли мисоллар китоби ва араблар, форслар ва бербарлар ҳамда уларни қатта ўлчамлардаги ҳокимиятни эгал-

лаган замондошларини кунлари ҳақида маълумот девони” асари, ўз даврини ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётининг энциклопедияси ҳисобланган, фалсафа фанида машҳур бўлган “Пролегоменлар»

(«Муқаддима») ёки «Кириш» китоблари асосий тадқиқот материалари бўлиб хизмат қилди. Худди ана шу «Кириш» лавҳаларида инсонни социал табиати ва уни давлат тараққиётининг эволюциясини қонуниятларига ва давлатни муваффақиятли бошқаришга лозим бўлган воситаларни мавжудлигини тушуниш қобилиятларига мутафаккирнинг қарашлари баён этилган [Игнатенко А. 1980].

Шарқ оламида Ибн Халдунни «Валий ад-дин», мутафаккир ва моликия мазҳабидаги қози сифатида улуғланади. Ғарбда эса уни «Тарих фалсафасининг отаси», «Социология (жамиятшунослик) фанининг асосчиси», «Педагогик методологиянинг раънақ топишига ҳисса қўшган олим», дея таърифлайдилар [Маҳмадходжаев А. 2007].

Ибн Халдун шахсияти Ғарб ва Шарқда катта қизиқиш билан ўрганилган. Ибн Халдун фалсафасига қизиққан аксарият Европалик тадқиқотчиларнинг талайгина экани уни ўрта аср араб файласуфлари ичида энг кўп ўрганилган аллома сифатида танилишига сабаб бўлди. Азиз ал-Азме ўз монографиясида [Al-AzmeH A. 2003] Ибн Халдунга нисбатан Ғарб фанида ўрнашиб қолган қарашларни қайта кўриб чиқишга ҳаракат қилган. Азиз ал-Азмега кўра, «Муқаддима»ни таҳлил қилиш учун ўша даврдаги араб-мусулмон маданияти, ўрта асрларда мавжуд бўлган фанлар асосидан келиб чиқиш керак.

Марокашлик файласуф Али Умилнинг ёндашуви қизиқарли бўлиб, у Ибн Халдун фалсафасини олимнинг шахсий биографияси призмаси [Oumlil A. 1979] орқали кўради. А.Умилнинг фикрича, Ибн Халдун қарашлари фақат унинг ҳаётидаги воқеалар эмас, балки унинг насли тарихи билан ҳам боғлиқдир.

Мисрлик тадқиқотчи М.А.Инан ўз илмий ишида [Enan M.A. 1997] Ибн Халдуннинг ҳаётини ёритишга, «Муқаддима»да акс этган унинг қарашларини батафсил таҳлил қилади ва Ибн Халдун фалсафасини ал-Форобий, ал-Мовардий каби бошқа мусулмон олимларнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари асосида ўрганади.

М.Т.Степанянц [Степанянц М. Т. 2001] социолог ва файласуф сифатида Ибн Халдунга катта эътибор қаратган. Унинг рисоласида Ибн Халдуннинг мусулмон сиёсий фалсафаси ва социологиясининг ривожланишида алоҳида қимматга эга фалсафасининг асосий элементлари алоҳида кўриб чиқилган. Н.С.Кирабаевнинг «Мусулмон Шарқининг ижтимоий фалсафаси» [Кирабаев Н. 1987] асари ҳам Ибн Халдун ижодига бағишланган. Россиялик шарқшунос А.Игнотенко ўз асарида [Игнотенко А.

1980] Ибн Халдуннинг давлатчилик назариясини ўрганишга ҳаракат қилади ва ўз ўрнида у бошқа мавзулар билан қоришиб кетганини қайд этади.

Кўпчилик тадқиқотчилар, Ибн Халдунни тарих файласуфи, – деб билади. Покистонлик тарихчи Будда Пракаш XX аср 50-йиллари ўрталарида Ибн Халдун фалсафасига бағишланган бир қатор мақолалар эълон қилиб, уни Шпенглерга тенглаштиради.

Л.Е.Гудман ўз мақоласида [Goodman L.E. 1972] Ибн Халдунни қадимги грек тарихчиси Фукидидга тенглаштиради. Ф.Баали ва А.Вардий ўз мақолаларида Ибн Халдун ижодини ислом ақидалари асосида таҳлил қилишган [Baali F. 1981]. Британиялик араб адабиёти тадқиқотчиси Р.Ирвин Ибн Халдунни маданиятшунос А.Тоинби билан тенглаштиради [Irvin R.Toynbee 1997].

Л.Е.Гудман ўз мақоласида [Goodman L.E. 1972] Ибн Халдунни қадимги грек тарихчиси Фукидидга тенглаштиради. Ф.Баали ва А.Вардий ўз мақолаларида Ибн Халдун ижодини ислом ақидалари асосида таҳлил қилишган [Baali F. 1981]. Британиялик араб адабиёти тадқиқотчиси Р.Ирвин Ибн Халдунни маданиятшунос А.Тоинби билан тенглаштиради [Irvin R.Toynbee 1997].

XX асрда Ибн Халдун ижодини жиддий тадқиқ этганлардан бири И.Лакост бўлиб, Ибн Халдуннинг инсон ҳаётидаги иқтисодий ва ижтимоий асосларини ўрганишга бағишланган қарашлари муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайди.

Француз тадқиқотчиси Нассиф Нассар Ибн Халдун фалсафасига «реалистик фикр» деб баҳо беради ва араб-мусулмон интеллектуал маданиятига хос бўлган «спекулятив онг»га қарши қўяди.

М.Зауади Ибн Халдунни «Ғарбнинг классик социологлари» [Dhaoadi M. 1986] билан тенглаштиради. Покистонлик муаллиф П.Розина Халдун асарларининг замонавий иқтисодчилар билан қиёсий таҳлилини келтиради [Rozina P. 1994]. М.Фида ўзининг кичик мақоласида Ибн Халдуннинг «ижтимоий ўзгаришлар теорияси»ни Гегель ва Дюркгеймнинг тузулмалари билан қиёслашга ҳаракат қилган [Fida M. 1998].

Европа олимлари Сильвестр де Саси (1758-1838), Иосиф Хоммер (1774-1856), Фридрих Шульц (1799-1829) ларнинг [Jilvestre de Sacy. 1818] кўпгина ишлари Ибн Халдун ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашларини таҳлилларига бағишланган. Шунингдек, Ибн Халдун дунёқарашларини тадқиқ этишга Т.О.Армаки, О.Нажд, О.А.Хусайн, А.Оятий, И.Арабшоҳ, Д.Расоий, А.Х.Заринкуб, Х.Алфахури, Х.Алжар, М.Ҳасан, М.Муҳсин, Н.Юсуф,

М.Шариф, М.Муин, Г.Мусоҳиб, А.Саидиян, Дехуд, К.М.Бужнурдий, С.Таботабой, Н.Низорий ва бошқа бир қанча эрон ва араб тадқиқотчилари ўзларининг бекиёс ҳиссаларини қўшдилар.

Ўзбекистонда, умуман, Марказий Осиёда Ибн Халдун ижоди, унинг фалсафий мероси ҳозиргача махсус таҳлил предмети ҳисобланмаган. Истисно тариқасида баъзи бир Марказий Осиё олимлари – М.Диноршое, А.А.Шамолов, О.Ғуломов, М.Хазратий, И.Саидиен, Ф.Абдулхонов, Т.Мардонийларни [Диноршое М. 1974] кўрсатиш мумкин.

Ибн Халдун башарият тарихига асотирона тафаккур билан эмас, балки илмий, холисона назар билан қараган илк муаррихлардандир. Филипп Хитти ва Жан Марсе унга: “Барча замонларнинг энг буюк файласуф ва тарихчиларидан бири” деб баҳо беришган. XX асрнинг машҳур тарихчиси Арнольд Тойнби эса “Ибн Халдуннинг тарих фалсафаси бу, шак-шубҳасиз, қай аср ёки қайси замонда бўлмасин, инсон онги бунёд қилган энг буюк маҳсулдир”, деган.

Ибн Халдун фаолиятига бундай юксак баҳо унинг илмий тадқиқотларининг нафақат ўша даврда, балки бугунги кунда ҳам долзарблигини кўрсатиб турибди.

Жамият ҳаётида тенглик ва адолат ғояларининг устувор бўлиши ва амалиётда ўз ифодасини топиши кўзланган мақсадларга эришишга, белгиланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий мўлжалларнинг барча учун бирдек кадр-қиммат касб этишига, фуқаролар ўртасида бирдамлик ва ҳамжиҳатлик, тотувлик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳурмат руҳи қарор топишига замин яратади [Alimova M. 2019]. Ибн Халдун жамият муаммоларини, ўзининг ижтимоий йўналтирилган фалсафасида тамаддун назариясига асосан таҳлил этади. Бунга сабаб айнан кишилик тараққиёти унинг тадқиқот предмети, унинг “янги фан”ини асоси ҳисобланади.

Ижтимоий-сиёсий муаммоларни ёритишда Ибн Халдун антик интеллектуал анъаналарининг давомчилари, яъни аристотелчилар, мутакаллимлар (Мавардий, Боқилоний, Жувайний, Ғаззолий ва бошқалар) ва “Мусаффо оға-инилар” оқимларининг намоёндаларининг фикрларига қўшилмайди. Турли мусулмон фалсафа мактабларининг намоёндаларини қолдирган трактатларини ўргана туриб, Ибн Халдун уларнинг тасдиқларини исботланмаганиликлари, қўйилган масалаларни чуқур ўрганмаганликлари, етук инсонлар қарашларига ишончсизликларда айблайди [Rahimjonov D. 2019]. Асосийси шундаки, жамият-сиёсий масалаларни қайта

талқин этишда, улар ҳам бошқалар ҳам турли амалий хулосалар чиқарадилар, яъни жамият барибир ўзгартирилиши мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Ибн Халдуннинг цивилизация доктринасига жамлаган ижтимоий- фалсафий таълимоти жамият ҳақидаги мустақил фаннинг яратилишига бўлган биринчи ҳаракатдир ва бу таълимот Шарқда тарихий фанни ва сиёсий амалиётни тараққий этиши учун услубий асос бўлиб хизмат қилади. Жамият ҳақидаги ўз фанини яратишдан олдин Ибн Халдун турли халқлар, қабилалар ва уларнинг тараққиётларини, урф-одатларини, сиёсий ва иқтисодий тизимларини чуқур ўрганиб чиққан. У шахсларни, ҳамда бутун жамият, давлат ва маданият шаклланишларининг қонуниятларини ва сабаб-оқибат муносабатларини намоён этди, халқлар орасидаги географик боғлиқликларни ҳамда уларнинг турмуш тарзларини, дунёқараш асосларини тадқиқ этди.

Натижада, у шундай хулосага келдики, унга кўра жамият – бирон бир аниқ худудларни эгаллаган, умумий маданиятга, хўжалик юритиш шаклига, дунёқарашларга ва бошқаларга эга бўлган, кишиларнинг катта ва барқарор гуруҳи. Ушбу жамият – муносабатлар тизимини тарихий тараққиёти натижасида таркиб топган ва инсонларни биргаликдаги ҳаёт фаолиятларининг ташкилий шаклига эга. У тартибга солинган, ўз-ўзини бошқариш сифатида, инсонлар, ижтимоий гуруҳларнинг муносабатларининг тизими сифатида шаклланади.

Кишилик жамиятининг фарқланувчи белгиларини таҳлил эта туриб, Ибн Халдун шундай хулосага келади: инсонларга бирлашиш жуда зарурдир. Мутафаккирнинг фикрича, жамият инсон ҳаётининг табиий натижаси ҳисобланади ва у бирлашишни ва ташкил этишни талаб қилади. Бунда Ибн Халдун “инсон бу табиий жонзот”, – деган фалсафани Аристотелдан кейин тасдиқлаган файласуфлар – перипатетларга (Фаробий, Ибн Сино ва бошқ.) мурожаат этади.

Ибн Халдун ижтимоий муаммоларга бўлган ёндошишларни қўллаб туради, ўз даври учун илмий ҳисобланган жамият ва давлат доктринасини яратади. Бунга кўра, кишилик жамиятининг шаклланиши, объектив равишда яшаш учун керакли воситаларга биргаликда эришишга, табиий кучларга қарши хавфсизликларни биргаликда амалга оширишлар билан шартланган.

Аввалги файласуфлардан фарқли равишда, Ибн Халдун кишилар бирлашуви тараққиётини яшаш учун воситаларини ишлаб чиқариш, уларни тақсимлаш ва фойдаланиш хусусиятлари билан

аниқланадиган икки асосий тур, ёки икки фазага ажратади.

Биринчи фаза – бу «бадава», яшаш чорвачилик ва ер-сувдан фойдаланиш билан боғлиқ қишлоқ ҳаёти. Иккинчиси, анча кечки фаза – «хадара», шаҳар ҳаёти. Бошқача айтганда, жамият иккита босқични ўтайди. Икки босқич бир-биридан яшаш учун керакли воситаларига эришиш хусусиятлари билан фарқланади. Агар оддийлик – ер билан машғул бўлиш, чорвачилик, йиғим-терим билан тавсифланса, цивилизация – уни ҳунармандчилик ва савдо сотик билан тўлдирилади. Улар исътемом тавсифлари бўйича ҳам фарқланадилар. Агар оддий жамиятда лозим бўлган, зарурлари исътемом қилинса, цивилизациялашган жамиятда нафақат зарурлар, балки фойда келтирувчилари ҳам исътемом қилинади.

Кишилик жамиятининг тараққиётидаги бу икки, лекин турлича бўлган босқичлар, баъзан битта худудда ёки нисбатан яқинликдаги худудларда, баъзида эса бир жамиятда шаклланган тараққётни бошқа жамият босиб олиши билан ҳам кечади.

Ўзининг концепциясида Ибн Халдун, антропо-социогенез муаммолари ва социогенез босқичларини кўриб чиқиш мобайнида, асосан жамиятнинг келиб чиқишида “меҳнат” гипотезасини қўллаб қувватлайди. Ибн Халдун ўздан аввалги ўтган олимлардан фарқли ўлароқ жамият масалаларини оралиқ фанлар билан боғлиқ, бошқа муаммолар билан бирга кўради. Масалан, мўътадил иқлим ва номўътадил иқлим муаммолари ҳамда ҳаво ҳароратининг одамлар териси рангига таъсири ва инсон ҳаётидаги бошқа кўпгина шароитлар, озиқ-овқатнинг ортиқчалиги ёки етишмаслик оқибатида жамият ҳаётидаги шароитларнинг турличалиги, бу шароитларни инсонлар тана тузилиши ва ҳулқ-атвори таъсири, қишлоқ ва шаҳар ҳаёти, қишлоқ жойларининг шаҳар жамиятининг бешиги эканлиги, қон-қариндошлик ришталари, инсонларга ўхшаш аниқ бир ҳаётга эга авлод-аждодлар, урбанизация¹, бошқаришга муҳтож кишилик жамияти, Африка ва Мағрибдаги шаҳарлар, арабларнинг иншоотлари, шаҳарларнинг бузилишлари, шаҳарларнинг бой ёки камбағал бўлиши ўртасидаги уларнинг фарқлари, шаҳарлардаги маҳсулот нархлари, қишлоқ аҳолисининг аҳоли кўп жойлашган шаҳарларда яшай олмаслиги, бой шаҳарликларнинг қулай шароит ва ҳимояга эҳтиёжлари, шаҳар ҳаёти – жамият ҳаётининг олий юксалиши эканлиги ҳақида мулоҳазалар юритади [Isakdjanov R. 2019].

Инсонлар орасидаги ўзаро ёрдам ва бирлашувлар Ибн Халдун фикрича, кишиларнинг у ёки бу

фаравонликка эҳтиёжларидан келиб чиққан меҳнат тақсимоти билан боғлиқ. Меҳнат тақсимоти ҳам ишлаб чиқаруви эҳтиёжини қондириш учун, ҳам товар алмаштириш учун кўп маҳсулот чиқаришга имкон беради. Чунки меҳнат тақсимоти асосида кўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган шароитни яратиш ётади. Ибн Халдун инсоннинг меҳнати нафақат жамият равнақи манбаи, балки индивидуал яшаш манбаи ҳамдир, – деб ҳисоблайди. Инсонлар фойда кўрадиган ҳар қандай даромад, унинг фикрича, уларнинг меҳнати тан нархига мос келади.

Ибн Халдуннинг барча ижобий фикрларига қарамай, уларда баъзи қарама-қаршиликлар мавжуд, яъни ишлаб чиқаришда ҳеч қандай меҳнат қилмаган бадавлат инсонлар меҳнат қилган камбағалларга қараганда кўп даромад оладилар. Бу қарама-қаршиликни мутафаккир шундай тушунтиради: бадавлат кишининг даромади, аслида, меҳнатига яраша ҳақ олмайдиган, бошқаларнинг ишлаши ҳисобига шаклланади. Қишлоқ хўжалигида ва ҳунармандчиликдаги маҳсулотларнинг ортиқчалиги турли шаклдаги ортиқча меҳнатни ўзида мужассам этади ва бу амалдор кишилар томонидан ўзлаштирилади. Ибн Халдун назариясида шу нарса аҳамиятлики, меҳнат маҳсулотда намоён бўлади. Инсон меҳнати натижаларини тенг баҳодаги нархларда олади. Ўз навбатида товар ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнат нархларга алмашинади. Бу масалалар қаторида Ибн Халдун пулнинг функциясига эътибор қаратади.

Жамиятнинг ривожланиш истиқболлари, ҳозирги кунда ижтимоий-сиёсий муҳитга кўчирилган. Юқори маънавий бойликларга эга мамлакат дастури сиёсий манифестни эслатиши тасодифий ҳол эмас. Бу жамиятимизнинг инсонийлигида, давлат қурилиши сиёсатида, маънавий бойликларни юксалишида, давлат сиёсатида умуминсоний кадриятларнинг алоҳида ўрин тутиши кабиларда ифодаланади [Nizametdinov N. 2019].

Тарих ва шу билан бир қаторда Ибн Халдун фикрлари тасдиқлагандек, жамият ва давлат “доно” одамлар тузиб берган тизим бўйича ёки назария қонуниятларига қатъий мувофиқ ҳолда эмас, балки давлат ва жамият тараққиётга элтувчи сиёсат олиб борилгандагина муҳим ютуқларга эришди [Ernazarov O. 2018].

Шуни айтиш керакки, Ибн Халдуннинг антропологик ва сиёсий назарияларини мусулмон ва Ғарб тадқиқотчилари, ҳозирги замон антропологлари, социологлари ва сиёсатчиларининг назарияси негизида муҳокама қиладилар. Барча эҳтимолий

¹ Изоҳ: давлатнинг қишлоқдан шаҳар ҳаётига ўтиши

тахминлар бўйича ушбу ҳолат икки сабаб билан тушунтирилади. Бир томондан Ибн Халдун меросини эпистемологик² нуқтаи-назардан ўрганиш амалда эдигина бошланди ва унинг қарашларини антик ёки замонавий олимлар назариялари билан қиёслаш ҳозирги кунда энди олиб борилаётган тадқиқотлардан ҳисобланади. Бошқа томондан, Ибн Халдун ижодининг ўрганилган жабҳалари ҳақидаги манбалар, тарих ва жамият ҳақидаги умумий фикрлари бўйича умумий асарларда деярли ҳисобга олинмаган.

Ибн Халдун ўз асарида сўзлар ва ибораларни ишлатишга алоҳида эътибор беради, зеро уларнинг ҳар бири ўзига яраша катта бир маъно касб этиб, муаллифнинг фикр ва ғояларини ифода этади.

Маълумотларнинг аниқлигига, иқтибосларнинг тўғри бўлишига қаттиқ киришади, олдинги қилган хатоларини тuzатади, аммо баъзи сиёсий таъйиқлар остида барча ғояларини очиқ-ойдин айта олмайди.

Тарихда Ибн Халдун ва буюк Соҳибкирон Амир Темур ўртасидаги суҳбат дунёга машҳур. Ушбу машҳур суҳбат натижасида Ибн Халдун Амир Темурга нисбат бериб, унинг адолатпешалиги, улкан ақл соҳиби эканлиги ва ҳатто, ҳофизи Қуръон бўлганлигини таъкидлайди.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, бугунги кунда Ибн Халдуннинг асарларини ўрганиш ва тўғри тадқиқ этиш жамият учун долзарб бўлган илмларнинг ривожини ва тараққий этиши учун асос бўлади. Ўз навбатида, энциклопедик, услубий ва маданий билимлар синтези бўлган ушбу асар тарихчилар зарур бирламчи манба ҳисобланади. Дастлаб, Ибн Халдун эпистемология билан шуғулланади. Кейинчалик аста-секин тарих усули ва масалалари бўйича чуқур фикрлаш орқали у шундай тушунчага келдики, “янги фан” яратиш лозим. Шу билан бирга ушбу негизда бир қанча йўналишлардаги, яъни, тарих фалсафаси, социология, иқтисод ва бошқа предметларнинг шаклланишига олиб келадиган тадқиқотларни бошланиш нуқтаси бўлди.

Ўзининг машҳур “Муқаддима” асарининг сўз бошида Ибн Халдун тарих функциясига ҳам кенг маънода аниқлик киритади, яъни ижтимоий, иқтисодий ва маданий жабҳаларда инсон ўтмишини ўрганиш, қизиқишларини аниқлашдан иборатлигини таъкидлайди.

Бунда тадқиқотлар воқеаликарнинг ривожланишига, реаллигига, унинг исботларига, табиатига таянади. Воқеликлар гавҳарини таҳлил этиш, жой-жойига қўйиш ва моҳиятларини ойдинлашти-

риш, уларнинг қонуниятларини намоён этиш лозимлигини келтириб чиқаради. Фан бу ҳодисага ёруғлик киритишга қодир. Ибн Халдун фикрича, “Умрон” – маданиятшунослик мустақил фан сифатида идрок этилади, у ўзининг объекти инсон тараққиёти, ижтимоий омиллар билан аниқланади.

Муаллиф қабул қилган ушбу янги ва мустақил фан “Муқаддима”нинг асосий қисми бўлиб хизмат қилди. Унда муаллиф баъзи бир қарашларга қарши ўзининг аргументларини ривожлантиради. Баён этишдан аввал, ўзининг асосий йўналишларини, нуқтаи назарини тасдиқлаб беради ва аниқ тушунтиради. Унинг ушбу баёни олти бобга бўлинган. Улар ҳам ўз навбатида турли ўлчамлардаги кўпгина бандларга тақсимланган:

1-боб – Кишилиқ жамияти ҳақида умумий трактат. Унда Ибн Халдун атроф-муҳитни инсон табиатига таъсирини ўрганиш, этнографик ва антропологик тадқиқотлар бўйича бир қанча чизгилар келтиради; 2-боб – Қишлоқ жамияти, умуман олганда, етарли даражада энг содда цивилизация (Умран бадавий); 3-боб – Бошқаришнинг турли шакллари, давлатлар ва институтлар; 4-боб – Шаҳар жамияти цивилизацияси (“Умран Хадари”) яъни цивилизациянинг ривожланган ва мураккаб шакли; 5-боб – Умуман саноат ва иқтисодий ҳаёт бўйича.

XIV асрнинг буюк мутафаккири Ибн Халдун ўз замонасининг фалсафий-дунёвий қарашлари, ижтимоий-сиёсий муаммоларини ўзлаштириши ва ҳал этиши билан боғлиқ бўлган ижодий мероси катта қизиқиш уйғотади. Ибн Халдун илмий меросини ўрганган кўпгина чет эллик тадқиқотчилар унинг инсон социумини ва халқларнинг ҳам умминсоний, ҳам Шарқ маънавий бойликлари анъналарига хос самарали мунсабатларнинг кейинги ривождаги катта роли ва аҳамиятини таъкидлаганлар ва таъкидламоқдалар [Игнатенко А.А. 1990].

Аммо изланишлар натижасида айнан унинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашларининг ана шу қирралари тарих-фалсафа фани томонидан кам ўрганилганлиги намоён бўлди. Ибн Халдун сиёсий фалсафасини инсоният тарихидаги дунёқарашлар тизимининг ажралмас қисми сифатида эътироф этиш мумкин.

Ибн Халдун номи нафақат Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг, балки бутун дунёдаги жамият-фалсафий фикрлари тараққийси билан боғлиқ бўлган буюк мутафаккирлар қаторида туради. Унинг номи ва асарлари кўпгина Европа тилларига ўгирилган Ғарбда ҳам кенг маънода маълум ва машҳурдир. Ибн Халдуннинг шахсияти ва асарларини ўрга-

² Изох: объект бўйича ҳақиқий тасаввурлар олиш назарияси

ниш, турли Ғарб давлатлари ориенталистларининг ҳам, кўпгина Шарқ мамлакатлари тадқиқотчиларининг ҳам ҳар томонлама тадқиқ ва таҳлил этиш предмети бўлиб қолмоқда.

Ибн Халдун жамиятшунос (социолог), тарихнавис ва тарих фалсафасининг асосчиси сифатида XV асрдан бошлаб ўрганилган. Унинг асарлари жамиятдаги муаммоларнинг асл илдизларини кўрсатиб берган манба сифатида алоҳида тадқиқ қилинган. Шунингдек, Ибн Халдуннинг шахси, сиёсий фаолияти ва дунёқарашини чуқур ўрганиш орқали унинг асарлари қай даражада ҳолис-объектив, ҳаққоний ва изчил эканини аниқлаш имкониятлари кўлга киритилган.

XIX асрга келиб, айниқса, Ибн Халдуннинг шахсини ўрганаётган олим ва тадқиқотчилар орасида унинг рационалист ёки ўта мутаассиб ақидапараст бўлганлигини аниқлашга хизмат қилувчи қизгин муҳокамалар бошланди. Аниқроқ қилиб айтганда, мазкур тадқиқот ишларида “Ибн Халдун догматик илоҳиётчи ёхуд диндан ниқоб сифатида фойдаланган рационалист бир шахс бўлганми?”, деган саволга жавоб изланган. Баъзи олимлар, жумладан, француз олими И.Лакост ҳам саволни ўзгачароқ шаклда ўртага ташлаб, Ибн Халдунга ҳақиқий рационалист қиёфасини берган. Уларнинг фикрича, Ибн Халдун исломий ақидаларни эҳтиёткорлик билан янгилаб баён қилган шахсдир. Балки бу каби мунозараларга Ибн Халдуннинг фидокорлик (асабийя) тушунчасини нотўғри талқин қилиб ўз манфаатларини кўзлаган, ирқчиликни ўз шиорига айлантирган баъзи оқимларнинг ҳатти-ҳаракатлари сабаб бўлган. Тарихчи ва жамиятшуноснинг диний дунёқарашини ўрганиш нафақат Ибн Халдун яшаган давр манзарасини, балки мутафаккирнинг бевосита динга муносабатини ҳам ёрқинроқ очиб беради. Аслида олимнинг диний дунёқарашига баҳо бериш XIX асрдан анча илгарироқ, яъни Усманийлар салтанати давридаёқ бошланган. Усманийларнинг ўзи Ибн Халдунни мутаассиб (консерватор) сифатида танқид қилган. Ғарбда эса Ибн Халдун позицияси Г.Виконинг ёндашувига таққосланган (бунда, асосан, иккала мутафаккирнинг ҳам ислом ва христианлик таълимотлари билан уйғунликда тарих тушунчасини ёритишлари кўзда тутилган).

Ибн Халдун диний илмларга ҳам, диний тарбия тушунчасига ҳам, бевосита дин тушунчасининг ўзига ҳам “жамиятни барқарорлаштириш ва бирлаштириш воситаси” деб қарайди. “Муқаддима” асарини мутолаа қилган киши Ибн Халдун

наздида диннинг инсон жамиятидаги роли нақадар аҳамиятли эканини ҳис қилмай қолмайди. Ибн Халдуннинг “Давлатнинг асли илдизи диндир” деганда, “давлатни кучли ва буюк қиладиган омил – ижтимоий бирликнинг маънавий – рухий кўриниши экани”ни назарда тутгани мутафаккирнинг динга муносабатини умумий шаклда ифодалаб беради.

Ибн Халдуннинг бевосита динга муносабатини ўрганиш – унинг дунёқараши ва фикрлаш кўламини ҳам белгилашга хизмат қилади. Бу эса мутафаккирнинг фалсафа ва тарихга, давлатчилик ва жамият қуриш назариясига қандай ёндашганини белгилаш имконини беради.

Ибн Халдуннинг Қуръон ва ҳадис илмлари ҳақидаги фикрларини тадқиқ қилиш унинг диний дунёқарашини очиб беришга ҳисса қўшади. Мутафаккирнинг бу илмларга муносабати эса янги методологиянинг яратилганини кўрсатади. Ибн Халдун шунингдек, қуръоншунослик ва ҳадисшуносликни тадқиқ қилган олимларни тилга олади. Илмларнинг айнан қайси минтақаларда ривожланганини баён қилиб, илмнинг шаклланиш илдизларини асослаб беради [Бациева С.М. 1965].

Ибн Халдун қуръоншунослик ва ҳадисшуносликнинг умматга фойдасини шунда кўрадики, жамият тўғри асосли диний маълумотга эга бўлгандагина кучли давлат қура олади. Зотан, Ибн Халдуннинг «асабийя» атамаси замирида «кучли рухий-маънавий яқдиллик» ифодаси ётади. Бундай яқдилликнинг бир асоси эса Қуръон ва ҳадис ҳақидаги маълумотнинг қай даражада ҳаққонийлигига бориб тақалади. Ибн Халдун ҳадис илмида юксак даражаларга эришмаган бўлса ҳам, шу соҳада анча билимдон ва пешқадам ҳисобланган.

Мустабид тузумдан кейин Ўзбекистонда демократик жамият қуриш мақсадида кучли жамиятдан кучли давлат сари концепциялари ишлаб чиқилди. Кучли демократик жамият қуришда Ибн Халдуннинг “тарихда “сеҳрли” белгиларни излаш керак эмас, балки соғлом ақл ва даврдаги реал воқеа-ҳодисларга таяниб иш кўриш лозим”, – деган чақириғи жуда ўринлидир.

Бугунги кун социологияси, фалсафаси ва ҳаттоки, иқтисод назарияларининг асосида Ибн Халдуннинг илмий қарашлари асосий ўринни эгаллайди. Илм, фанларни классификация қилишда Ибн Халдун учта асосий йўналишни ишлаб чиқиб, уларни диний илмлар, баҳс-мунозарали илмлар, табиий-ақлий илмларга ажратади [Кирабаев Н.С. 1990]. Ибн Халдуннинг фикрича, диний илмлар

инсоннинг ҳаёти ва охирати учун зарурдир. Қуръон, тафсир, қироат, Ҳадис илми, фикҳ, фароиз ва усул ул-фикҳ каби диний илмлар жамиятнинг икки дунё саодатини кўзлайди.

Ибн Халдун жамият тарихи ва тараққиётини аниқлаштирувчи ижтимоий, иқтисодий, руҳий ва диний оқимлар қарашларини назарий жиҳатдан тизимлаштирган биринчи мусулмон тарихчиси.

Ибн Халдун жамият ҳақидаги фикрларни таҳлил қилиб, у ўзидан олдинги донишмандларнинг ғоявий негизларига ва Шимолий Африкадаги реал ҳодисаларга таяниб, муҳим даражадаги ижтимоий масалалар: ўзаро ёрдам ва тараққиёт, жамиятни бошқариш қонуниятлари билан узвий ҳолдаги инсон ижтимоий табиати, кишиларнинг ижтимоий бирлашуви оқибатида жамиятнинг юзага келиши, жамият муносабатлари ва шунга ўхшаш бошқа масалаларини кўриб чиқади. Шунингдек, Ибн Халдун дунёқарашларида ўзи яшаган даврдаги жамият ҳаётидаги ҳодисалар ҳаққоний акс эттирилган. Унинг таълимоти ўзидан кейинги авлод учун жуда катта аҳамият касб этади.

Ибн Халдун мероси, унинг фалсафий ижоди бой эканлигини тасдиқлайди. Фалсафанинг умумий муаммолари билан бир қаторда у жамият ва сиёсат муаммоларини ишлаб чиқишга катта аҳамият берди, чунки ўрта асрлар фалсафасида жамият ва сиёсат муаммолари унинг муҳим қисмини ташкил этарди. Кўпгина олимлар ҳозирги замонавий тарих фанини социология, политология, ва иқтисоднинг бошланиши, деб ҳисоблайдилар. Ибн Халдуннинг ижтимоий-сиёсий фалсафаси ҳамда диний дунёқарашини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларга келамиз:

1. Ибн Халдун цивилизация тарихи бўйича биринчи назарийчи ва илк социологик қарашлар муаллифи эканлигининг тасдиғи негизда мустахкам концепция ётади. Тарихчи ва файлафсуф Арнольд Тойнби сўзларига қараганда, ислом олими тарих фалсафаси ҳақида фикрлайди ва уни шакллантиради. Бу барча давр ва халқлар орасидаги инсон ақли заковати билан яратилган энг буюк иш саналади. Ибн Халдун социологияни фан сифатидаги аҳамияти бўйича анча кеч шаклланган муаллифлар – Макиавелли, Вико, Монтескье ва бошқалар билан бир қаторда туради.

2. Ибн Халдуннинг фалсафий ва ижтимоий сиёсий таълимотининг шаклланиши ва тараққий этишига биринчидан, антик, қадимги грек ва эллинистик маданиятлар; иккинчидан, турли фалсафий оқимлар, қисман перипатет, суфий, ва бошқалар;

учинчидан, аввалги даврларда ўтган тарихчилар; тўртинчидан, халқ ижодиёти катта таъсир кўрсатган. Бинобарин, Ибн Халдун нафақат ушбу манбаларни ўрганди ва ўзлаштирди, балки ўз даври руҳида танқидий ишлаб чиқди. Бунда у фалсафий-сиёсий фикрларини кўпгина янги назарий қарашлар билан бойитди.

3. Инсон, унинг табиатини, жамият, дин, ижтимоий қатламлар ва тузилмасини, давлат бошқарув масалалари, иқтисодиёт, ҳуқуқ ҳамда жанг санъати, ижтимоий этика, ҳукмдор этикаси ва бошқаларни тадқиқ этаётди, Ибн Халдун инсоннинг ижтимоий борлиғига, жамиятдан ташқари бўлган маънавий ва моддий ҳаётни ёритишга кўп эътибор қаратди. Ибн Халдун инсон камолотига жамоавий ҳаёт шароитида, ўзаро ёрдам ва адолат принциплари ҳукм сурган муҳитда эришади, – деб ишонтиради.

4 Ибн Халдун ва унинг “инсоний” яъни давлат фуқароси ҳақида, инсоният цивилизацияси тўғрисида сўзлаган “янги фан”и («умрон») одатда, Европадаги Уйғониш билан боғланидиган гуманизмни шарафлайди. Бу ерда гап унинг Данте Макиавелли, Вико, Гердерлар билан ўхшашлигини таҳлил этишда эмас, зеро Ибн Халдун фикрлари ўзидан аввалги мутафаккирлар фикрини ёқлаши ёки умуман инкор этишлиги билан аҳамиятлидир.

Ибн Халдуннинг ижтимоий қарашларини тадқиқ этишда уни кенг миқёсдаги мутафаккир сифатида тушунишимиз лозим. Бунга асосий сабаб диний фикрлар ва урф-одатлар ҳукмронлик қилиб турган шароитда, жамият тараққиётининг табиий қонуниятларига бўйсунмаган, давлатнинг объектив тараққиёти ҳақидаги ғоясини тасдиқлаши бўлди. У жамият тараққиётининг негизи сифатида жамиятнинг материал бойлигини кўрди. Шу билан бирга, Ибн Халдун қарашларининг моҳияти сабаб-оқибат қонуниятига, яъни жамиятни объектив тарихий ривожланиш қонунига мувофиқ, жамият ва маданиятнинг шаклланиши, тараққиёти кейинчалик эса қулаши ва емирилиши қочиб бўлмайдиган ҳолатлиги тўғрисидаги таълимоти билан янада аҳамият касб этади.

5. Ибн Халдуннинг ижтимоий доктринасининг мазмун-моҳияти шуни кўрсатадики, у жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан турлича томонларига – иқтисодий ва молиявий сиёсатлар, административ ташкил этишларга хос масалаларини ҳал этишга ва энг асосийси, ҳукумат бошлиқларини раҳм-шафқатли ва адолатпарварлик руҳида тарбиялашга тегишли бир қатор тавсияларни ўзида мужассам этади.

Албатта, миллий демократик жамиятни ривожлантиришга мўлжалланган ҳамда барча соҳаларни ўзида қамраб олувчи лойиҳаларни мазмунан аниқлаш жуда қийин, бироқ бу тараққиётнинг умумий йўналишларини белгилашнинг имкони бор. Бунда ўтмишнинг маънавий бойликлари бизга ёрдамга келади, бошқача айтганда, жамиятдаги оддий ва барча инсонлар тан оладиган адолат ва бахт ҳақиқатлари тарихий истиқболлар даражасигача кўтарилади [Abdullaeva M. 2018]. Илмий-фалсафий тавсифга хос бўлган мулоҳазалар юритиш, уларда жамият ва давлат истиқболлари ва мезонларини кўриш, бу жамият ва инсонларнинг доимий равишда ўз-ўзини мукаммаллаштиришга, баркамолликка етаклайди, ҳар бир индивидга, яъни инсонга ўзича, мустақил равишда, бировнинг воситасиз қийматга эга бўлган хулосалар чиқаришга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – Б. 37.
2. Абдурахмон ибн Халдун. Мукаддимути ибни Халдун. – Искандария. – Б.305-337.
3. Игнатенко А.А. Ибн Халдун. – М.: Мысль, 1980.- 160 с.
4. Махаммадходжаев А. // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 3-сон, – Тошкент, 2007. – Б. 194.
5. Al-Azmeh A. Ibn Khaldun: an essay in reinterpretation. London, 2003
6. Oumlil A. L'histoire et son discours: essai sur la methodologie d' Ibn Khaldoun. Rabat, 1979
7. Epan M.A. Ibn Khaldun: His life and works. New Delhi, 1997
8. Степанянц М. Т. Ибн Халдун //Восточная философия. Избранные тексты 2-е издание, исправленное и дополненное. –М., 2001. – С. 482-490
9. Кирабаев Н. Социальная философия мусульманская Востока – М.,1987
10. Игнатенко А. Ибн Халдун. – М.,1980
11. Goodman L.E. Ibn Khaldun and Thucydides, Journal of the American Oriental Society, Issue: 92, 1972, p. 250-270
12. Baali F. Wardi A. Ibn Khaldun and Islamic thought-styles: a social perspective. Boston, 1981
13. Irvin R.Toynbee and Ibn Khaldun. Middle Eastern Studies. Iss. 33, 1997, p. 461-479
14. Goodman L.E. Ibn Khaldun and Thucydides, Journal of the American Oriental Society, Issue: 92, 1972, p. 250-270
15. Baali F. Wardi A. Ibn Khaldun and Islamic thought-styles: a social perspective. Boston, 1981
16. Irvin R.Toynbee and Ibn Khaldun. Middle Eastern Studies. Iss. 33, 1997, p. 461-479
17. Dhaoadi M. An exploration into Ibn Khaldun and Western classical sociologist's thought on the dynamics of change. // Islamic Quarterly Iss. 30, 1986, p.139-158
18. Rozina P. Ibn Khaldun as an economist: a comparative study with modern economists // Pakistan Journal of History and Culture, 15.I. 1994, p.111-133
19. Fida M. Ibn Khaldun's theory of social change a comparison with Hegel, Marx and Durkheim // American Journal of Islamic Social Sciences, 15, II, 1998, p.25-45
20. Jilvestre de Sacy. Ibn Khaldun Biografie universelle Pans, 1818,Chrestomatie arabe. 1806. Vol u Paris - C 387-523, Relation arabe de Egypte par Abdallatife Pans, 1810, Hammar J Veber den Vervall des Islams nach den ersten 3 Jahrhunderten des hidschra-Wien, 1812, Schulz FE Sur le grand ouvrage historique et critique d'Ibn Khaldun JA, 1825
21. Диноршое М. Ибн Халдун. // Таджикская советская энциклопедия Душанбе, 1974 2 – С 529, Шамолов А. А. Философско-теологические воззрения Газали, Душанбе, 2002. –С. 257-306, Гуломов О. Социология Учебник. Душанбе, 2000 – С. 36, Хазрати М., Савдиен И. Ислом Равия, мазхаб ва фирқаҳои Душанбе, 1992. – С. 15, Абдуллонов Ф. М. Муаммом инсон дар фалсафаи Ибн Халдун// Лаеми донишгоҳи омузгори Душанбе, 2005 № 2. – С. 53-55.
22. Alimova, Mahfuza and Nigmatullayev, Ibrohim (2019) "CLARIFICATION OF TOLERANCE IN ISLAMIC SOURCES," The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 1 , Article 13. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2019/iss1/13>
23. Rahimjonov, Durbek (2019) "The importance of social rehabilitation of people who have fallen under the influence of extremist ideas in the process of globalization," The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 1 , Article 12. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2019/iss1/12>
24. ISAKDJANOV, Ramzjon (2019) "RATIONAL PRINCIPLES IN IBN-SINA'S THEOLOGICAL EDUCATION AND THEIR CHARACTERISTIC FEATURES," The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 8. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2019/iss3/8>
25. NIZAMETDINOV, Najmiddin (2019) "THE SHORT HISTORY OF TURKIC LITERATURE OF INDIA DURIND THE RULING OF BABURIDS (XVI – XVIII CENTURIES)," The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 15. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2019/iss3/15>
26. Ernazarov, Odiljon (2018) "The socio-cultural life of Chinese Muslims during the Ming dynasty," The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 11. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2018/iss1/11>

27. Игнатенко А.А. Социум и разум. Рационалистические течения в арабо-исламской общественно-политической мысли средневековья // Рационалистическая традиция и современность. Ближний и Средний Восток. — М.: Наука, Главная редакция восточной литературы, 1990.
28. Бациева С.М. Историко-социологический трактат Ибн Халдуна «Мукаддима». — М., 1965. — С.66.
29. Кирабаев Н.С. Ибн Халдун. — М., — С. 162.
30. Abdullayeva, Moxira (2018) «APPROACHES FOR STUDYING RELIGIOUS PROCESS IN CYBERSPACE,» The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 13. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2018/iss1/13>

